

qáiplestiriw, qaraqalpaq eski kórkem óneri hám de jáhán ádebiyatınıń ullı kórkem úlgileri arqalı joqarı ruwxılıqlı, belsendi hám patriot jaslarǵı tárbialaw, olardı milliy hám ulıwma insaniyılıq qádiriyatlarǵa sadıqlıq, milletleraralıq tatıwlıq ruwxında tárbialawına da tiyisli ádewir jumıslar alıp barıldı. Mámleketimizde ósip kiyatırǵan jaslarǵı milliy hám jáhán muzıka mádeniyatı úlgilerinen keń paydalanıwı ushın zárúr shárt-shárayatlar jaratıw hám sol tiykarda muzıkalıq tálimdi jáne de rawajlandırıw, buǵan baylanıslı kadrlar tayarlaw sistemasın jetilistiriw boyınsha ámelge asırılatusın

wazıypalar kórsetip berildi. Jaslarǵı muzıkalıq uqıbı hám mádeniyatın kóteriw maqsetinde mámleketimizdiń hárbir qala hám rayonındaǵı muzıka hám kórkem óner mekteplerinde «Ustaz-shákirt» múnásibetlerin jáne de jetilistiriw, xalqımızdıń ruwxıy mádeniyatın rawajlandırıw, milliy muzıka kórkem óneri jetiskenliklerin úyreniw boyınsha úlken múmkinshilikler jaratılǵan. Bul bolsa óz nábwetinde qaraqalpaq muzıka kórkem óneriniń bunnan bılay da rawajlanıwına tiykar boları sózsiz.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, ўларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 августдаги 3907-сон Қарори. www.lex.uz.
2. Шафранников В. «Каракалпакские народные песни». Москва; Музгиз, 1959.
3. Чистов К.В Народные традиции и фольклор. - Л.: 1986.

REZYUME. Qoraqalpoq xalq ashularining kelib chiqishi va tarixiy manbalari o'rganiladi. Tariyxiy, ilmiy va nazariy manbalar keltirib o'tamiz. Qoraqalpoq jirovlari ijro etgan dostonlar variantlarini qiyoslash yo'li bilan o'rganiladi.

РЕЗЮМЕ. Изучаются происхождение и исторические источники каракалпакских песен. Они изучаются путем сравнения исторических, научно теоретических навыков.

SUMMARY. The origin and historical sources of the Karakalpak folk epic «Koblan» are studied. The Karakalpak jirovs are studied by comparing the variants of the epics performed.

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ

Сарсенбай Балтаниязов Айтмуратович – профессор

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: маданият тарихи, қўшиқчилик санъати тарихи, бастакорлар, музыка, оратория.

Ключевые слова: культура искусств, история песенного творчество, композитор, музыка, оратория.

Key words: art culture, history sing songs, compouser, music, orotory.

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш маънавий ислохатларни амалга ошириш билан ҳамоҳангдир. Мустақиллик, истиқлол маънавий жиҳатдан мустаҳкамланмас экан, унинг келажаги йўқдир. Ўзбек халқининг узок тарихи бунга гувоҳдир, зеро маънавият, хусусан қўшиқчилик санъатисиз миллат тарихи, ҳозирги куни ва келажагини тасаввур қилиб бўлмайди. Шарқ мусикасининг жаҳон маданияти миқёсида тутган ўрни бениҳоя буюк. Бу мусика минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни рухан юксалтириб келмоқда. Ўзининг нозик шабадаси билан дунё маданиятига озука бериб, умумбашарий қадириятларга муносиб ҳисса қўшмоқда». Маълумки, ўзбек миллий маданияти тарихи ўзининг бой, мустаҳкам

анъаналари ва чуқур илдизларга эгадир. Айни пайтда жаҳон маданияти ўзбек миллий маданияти дурдоналаридан самарали равишда фойдаланиб, ўзининг маданиятини бойитиб борди. Худудимизда, умуман қўшиқчилик мусийқий саъатнинг шаклланишида кишиларнинг атрофидаги ходисаларни англашга интилишлари жуда муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, табият кучларининг олдида кишиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ожизлиги натижасида уларда илоҳий кучларга сиғиниш, сажда қилиш юзага кела бошлади. Табиийки, кишилар ўз қарашлари, орзуларини муайян маросим ва байрамларда акс эттиришга уринганлар. Жумладан, қурғоқчилик даврида «Ёмғир ти-лаш» (Суст хотин), шамол зарар келтирганда «шамолни

тўхтатиш» (Чой момо) ва шамол керак бўлганда - «шамол чақириш», бевакт совуқ тушганда - «куёшга сиғиниш», омад келмаганда, офат бўлганда қурбонлик қилиш ва ҳоказо маросимлар ўтказилган. Аммо бундай ҳодисаларни ҳали байрам, ёки санъат, ҳусусан қўшиқчилик саъатининг ибтидоий тарзда бўлсада кўриниши, деб бўлмасди. Кейинчалик эса ибтидоий одамлар бундай маросимларни табиий офатларнинг гўё олдини олиш мақсадида ўткази бошлашади.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қўшиқчилик санъати аслида ибтидоий одамларнинг табиат кучларига нисбатан муносабати тарзида юзага келиб, кейинчалик улар маълум маъно ва мазмунга эга бўла бошлади.

Марказий Осиё халқлари маданияти силсиласида қўшиқчилик санъатининг ўрни ва роли жуда катта бўлган. Дарҳақиқат, қўшиқчилик санъати инсоннинг узок тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари, дунёқараши маҳсулидир.

Аммо, таъкидлаш жойизки, Марказий Осиё халқларининг мусиқий санъати бошқа ҳудудларда яшаган халқларнинг айна шундай маданият туридан дастлаб шакл жиҳатидан фарқ қилган бўлса да, лекин мазмунан қадим даврларда турли халқлар мусиқа санъати шаклидаги фарқлар жиҳатлар ва мазмунан алоҳидаликдаги нисбийлик тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида мазмуннинг миллий хусусиятлар оқибатида тавсифланади. Бунинг бойиси эса турли халқлар ижтимоий ҳаётидаги, шахсий турмушидаги психологик ҳолатлар ва руҳий кечинмаларнинг қўшиқчилик санъати орқали ўзаро ўйғунлашувидир. Бундай ўхшашлик ва ўйғунлашиш кабилар, халқлар ҳаёти, маиший турмуш, фаровон истиқбол учун кураш, мураккаб ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш асосида янада кенг кўлам касб этган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, сўнги йилларда мусиқий маданиятимиз тарихи жуда узок эканлигини исботловчи айрим ашъвий далиллар учраётганлиги бизнинг ушбу масалага оид илмий тасаввурларимизни биров бўлса да бойитмоқда. Жумладан археолог олимлар Самарқанд вилояти, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғи яқинидаги қабрдан қазиб олинган аёл суяклари ва унинг ёнидаги турли хил тақинчоқлар орасидан топилган ажойиб бир най созини ана шундай ашъвий далиллар сирасига киритиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бу мусиқий соз бронза даврига оиддир. Ёши салкам 5 минг йил деб

белгиланган бу най сози яхлит суякдан ниҳоятда моҳирлик билан ишланган бўлиб, жуда яхши сақланган. Мазкур топилма илмий жиҳатдан қимматбаҳо бўлиб, ҳозир Самарқанддаги Республика маданият ва санъат музейида сақланмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қўшиқчилик мусиқа санъати тарихи жуда қўшна эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Ҳусусан бу нарсани бундан 27 аср илгари пайдо бўлган зардўштийликнинг муқаддас «Авесто» китоби ва унинг иккинчи «Бислард» қисмидаги 2 бобдан иборат қисмидаги зардўштийлик худолар ва маъбудларига бағишланган 22 қўшиқдан иборат манбалар тўла исботлайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиё ҳудудида кўплаб ажойиб санъаткорлар – соз чалувчилар, қўшиқчилар етишиб чиққан бўлиб, улар аслида ҳозирги ўзбек қўшиқчилик санъатининг тамал тошларини қўйишган. Ана шундайлардан бири туронзаминининг Марв вилоятида таваллуд топган илк оллома бастакор Борбад Марвазийдир. Мазкур санъаткорнинг ўзи туғилиб ўсган ҳудуддаги ижоди ҳамда Эрон сасонийлари шоҳи Ҳусрав Парвез II ҳузурига боргунга қадар кечган ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган.

Марказий Осиё халқлари мусиқий-қўшиқчилик маданиятида Турк хоқонлиги даври ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қудратли давлат бўлган Турк хоқонлигининг кучи ва таъсири VI аср охири ва VII аср бошларида айниқса сезилиб турди. Шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, Турк хоқонлиги даври қўшиқчилик саъатида кишиларни Ватанга садоқатли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш масалаларга муҳим аҳамият берилган.

Қайд этиш лозимки, VII-VIII асрга келиб маҳаллий мусиқа анъаналари аниқ тус касб этди, халқ ва профессионал мусиқанинг оғзаки анъаналарга асос солинади. Яна шуниси маълумки, мазкур даврда мусиқа, рақс, қўшиқчилик, дорбозлик ва бошқа санъат турлари камол топган. Бу даврда Бухоро саъаткорлари, Самарқанд найчилари, Тошкент ўйинчи йигит ва қизлари, Хутан сурнайчилари ва Кўча бастакорлари билан шуҳрат топган эди. VIII аср бошларида Чоч, Самарқанд, Кеш ва Маймурғ раққоса қизлари ва ўйинчи йигитлари, Хуттал мақомчи аёллари Хитой императори саройига юбориб турилган. Туркий халқлар, ҳусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги қўшиқчилик-мусиқа санъати араблар истилоси даврида ўзининг жуда

мураккаб даврини бошдан кечирди. Умуман, бу давр туркий халқлар маънавий ва моддий маданияти бир томондан, илгари пайдо бўлган, шаклланган жиҳатлари ёппасига йўқотила бошланган бўлса, бўлак жиҳатдан туркий халқлар миллий манавияти ислом дини анъаналарига мойил бўлган янги қадриятлар билан бойий бошлади.

Маълумки, XI-XV асрлар Ўзбекистон тарихида Уйғониш даври номи билан маълумдир. Бу даврда Марказий Осиё самонийлар, қорақонийлар, ғазнавийлар салжухийлар ва хоразмийлардан иборат феодал давлатларнинг юзага келиши ўлкада уруғ-

қабила, улус-элатлар ўртасида нисбатан тинчлик, осойишталикни пайдо қилди. Бироз вақтдан сўнг халқ мусиқаси ансамблларида қашқар рубоби ва чанг сингари чолғуларнинг овози янгидан янгради. XIX аср ижрочилар амалиётида най, қушнайн, сурнай, дўмбира, сато, доира, ғижжак, дотор, танбур, қайроқ. сафоил каби чолғулар мустаҳкам ўрин олди. Чолғу ижрочилиги санъати тарихида XIX аср бир қатор мусиқа усталарининг етиштириб чиқарган даври бўлди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида хонликлар даврида маънавий маданият ўзининг анъанавий усулларида ривож топди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамидов Х. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
2. Юлдашева С.Х. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. Тошкент, Ўқитувчи, 1979.
3. Феруза Аскар. Мусиқа ва инсон маънавияти. Тошкент 2000 й.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В этой статье говорится о развитии музыки и песенного творчества в территории Узбекистана.

SUMMARY. In this article is spoken about development music and songs at the territory in Uzbekistan.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ТОЙ ЖЫРЛАРЫ

Г.Худайбергенова – оқытыўшы

Қ.Сейтимбетов – магистр

Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер хәм мәденият институты Нөкис филиалы

Таянч сўзлар: адабиёт, фольклор, санъат, импровизация, импровизатор, жиров, шоир, халқ кўшиғи.

Ключевые слова: литература, фольклор, импровизация, импровизатор, жырау, поэт.

Key words: literature, folklore, art, improvisation, improviser, zhyrau, poet.

Халық қосықларының ишинде ең жанлы халқымыздың турмыслық дәстүрлери менен қарысып кеткен, этнографиялық дереклерге ийе дәстүр қосықлары (той қосықлары) үлкен орын тутады. Дәстүр қосықлары: хәўжар, сыңсыў, той баслаў, бет ашар хәм т.б. түрлери бар.

Ерте заманлардан бери той қосықлары ишинде бет ашар айтымлары халқымыздың турмыслық салт-дәстүрине, миллий руўхый дүньясына айланған. Той мәресиминде бет ашар айтымлары арқалы жаңа түскен келинди ағайин-туўғанға, қоңсы-қобаға, ел-халыққа таныстырыў, сол арқалы, аўыл-ел, ағайин-туўған хәм курбы-қурдаслардағы айырым жөнсиз адамлардың хәрекет-қылўаларын

(жеңил юморлық күлки менен) минеў, мийнеткеш, ақыл-парасатлы, мәрт-баҳадыр жигитлерди, гөззал қызларды, дана ел басшыларын, кәтқуда, кейўаны аналардың жемисли мийнетлерин, даналығын баҳалайтуғын халықлық минберге айланып үлгерген еди. Той қосықлары хәм бет ашар айтымлары өзлигин жоғалтпайтуғын, неше мың жыллардан берли халқымыздың миллий сана-сезиминиң ажыралмас руўхый мүлки болып елеге шекем даўам етип киятыр.

Той қосықларының ишинде бет ашар дәстүри үлкен театрластырылған сахналық көриниске кейип беретуғын халықлық дәретпеге айланып, халықлық педагогика, жәмийетлик қатлам ўәкиллериниң